

# TOSHKENT HAQIQATI

Viloyat  
ijtimoiy-siyosiy  
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda  
asos solingan

2025-yil 5-fevral / CHORSHANBA / № 5 (13766)

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO'L OBOD!

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_

## Нархи- наводан оби-хаво муҳим...



Вилоят Экология,  
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш  
ва иқлим ўзгариши бошқармаси ҳамда  
вилоят прокуратураси томонидан Тошкент  
вилоятининг пойтахтга туташ ҳудудларида  
атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даража-  
си мониторингини олиб бориш мақсадида  
журналист ва блогерлар учун пресс-  
тур ташкил этилди.

▼ Бугуннинг  
гапи



2

## Yaxshi tashabbuslar KINOYA emas, HIMOYA qilinishi kerak

▼ Dolzarb mavzu

Millat borki, o'z milliy liboslari bilan farqlanadi, ko'rkam ko'rinadi. Bugungi yoshlarda milliy liboslarga qiziqish qanday? Nega ular necha yuz yilliklar osha kelayotgan madaniyatimiz va qadriyatlarimizning ajralmas bo'lagi bo'lgan o'z liboslarimiz targ'ibotida faol va jonkuyar emaslar? Yoki dizaynerlarimiz yoshlar talabiga javob bera oladigan, zamonaviylikni milliylik bilan uyg'unlashtira olgan milliy liboslarni yaratolmayaptilarmi?

Bir o'ylab ko'raylik, chindan ham nega milliy liboslarimizni kundalik faoliyatimizda kiya olmaymiz?

Balki ob-havoga mutanosib liboslarni tanlash kerakdir yoki doimiy kiyish uchun chidamli va qulay mato zarurdir. Milliy liboslarimizni faqat bayramlarda, to'y-shodiyonalarda, ko'rgazmalarda, kelin-kuyov bo'lganda kiyish odatga aylangan. Kundalik faoliyatimizda esa milliy liboslarni deyarli kiyamaymiz.



4

▼ "Haqiqat" choyxonasi



— Nima deyapti?  
— Dollarning narxi o'n uch mingga chiqibdi, deyapti!

## Viloyat bo'ylab

VILOYAT hududidagi ekin maydonlarining chetlari xatlovdan o'tkazilmoqda. Hujjatga ko'ra, dala chetlaridagi 2 ming gektarga yaqin maydonga mevali daraxt ko'chatlari ekiladi.



O'RTA CHIRCHIQ tumani-ning mahalla hamda ko'chalari-rida "Obod xonadon", "Obod ko'cha" va "Obod mahalla" das-turi doirasida hasharlar tashkil etildi. Aholining turli qatlami qatnashgan hasharlarda ariq-zovur-lar tozalanib, hududlar obo-donlashtirildi.



OQQO'RG'ON tumanida-gi ixtisoslashtirilgan maktabda "Yoshlar tarbiyasi ustuvor vazifa" mavzusida targ'ibot tadbiri bo'lib o'tdi. Unda yoshlarni turli yot g'oyalar ta'siri-dan himoya-lash, internet-dan kelayotgan xavf-xatarlar-dan xabardor qilish, yig'it-qizlarda huquqbuzarlik va jinoyatchilikka qarshi "mafkuraviy immunitet"ni shakllantirish borasida tushun-chalar berildi.



Ixtisoslashtirilgan ta'lim muas-sasalari agentligi tizimidagi Prezident, ijod, sport, maktab va maktab-internatlar o'quv-chilari o'rtasi-da "Turon yo'l-barslari" har-biy-sport mu-soba-qasi-ni-g TOSHKENT viloyati bosqichi bo'lib o'tdi. Unda ANGREN shahar ixtisoslashtirilgan mak-tabining "Qalqon" jamoasi 2-o'rinni qo'lga kiritdi.



TOSHKENT tumanining "Ha-sanboy" mahallasida "Boyterak EKO" bozori ish boshladi. Ochi-lish ma-ro-simida tuman hokimi va sek-tor rahbarlari, faollar ishtirok etib, aholiga sifatli va hamyonbop mah-sulotlar yetkazish, iste'mol-chilarning talab va istak-larini o'rganish bo'yicha o'z takliflarini bildirishdi.



## ▼ Hayrat Navoiyning "svetofori"



Daholar bashoratgo'y bo'lishadi. Hazrat Alisher Navoiy o'z asarlarida bugungi kunda bizga xizmat qilayotgan ayrim narsalar haqida ham yozib qoldirganlarini bilasizmi?

Adabiy tadqiqotchi Inomjon Abdiyevning maqolasida shunday deyiladi: "She'riyat sultoni tahayyul otida shunchalar uzoqlarga parvoz eta olganki, uning oldida nafaqat tezlik, balki vaqt-asrlar ham chikora". Masalan, hazrat manzumalarida davri uchun butunlay begona bo'lgan turli timsol (obraz)lar uchraydiki, go'yo Navoiy bobomiz tafakkur g'aladonida bunyod bo'lgan ilmiy kashfiyot, bashorat va farazlarini satrlari qatiga singdirib yuborgandek.

Buyuk mutafakkirning go'zal g'azallaridan birida shunday satrlar bor:

Xil'atin to aylamish jonon qizil, sorig', yashil,  
Shu'layi ohim chiqar har yon qizil, sorig', yashil.

Shishadek ko'nglumdadur gulzori husnning yodidin,  
Tobdonning aksidek alvon qizil, sorig', yashil.

Orazu xoling bila xatting xayolidin erur,  
Ko'zlarimning ollida davron qizil, sorig', yashil.

La'lgun may tutqil oltun jom birla sabzada  
Kim, bulardin yaxshi yo'q imkon qizil, sorig', yashil.

Faqr aro berangliq dushvor erur behad, valek,  
Xirqada tikmak erur oson qizil, sorig', yashil.

Ey Navoiy, oltinu shingarfu zangor istama,  
Bo'ldi naming rangidin devon qizil, sorig', yashil.

G'azalda inson ruhiy holatlari nozikligi, sirilligi, odam surati bilan uyg'unlikda ekani juda nozik holatda tasvirlangan. Ulug' shoir tanlagan uch rang – qizil, sarig', yashil o'zining barcha tovlanishlari bilan namoyon bo'ladi. U garchi yor tavsifiga bag'ishlangan bo'lsa-da, yuqoridagi satrlarni o'qib, sizning hayolingizda ham bugun butun dunyoda mashinalarning qatnovini tartibga solib turgan svetofor gavdalanganiga shubha yo'q.

To'g'ri, bir qarashda bu she'r va svetoforning bir-biriga umuman aloqasi yo'qdek tuyuladi. Ammo ranglar silsilasi, ularga yuklangan vazifa ikkisini bir-biriga bog'lab turganini ilg'ash u qadar qiyin emas.

Ma'lumki, qizil rang taqiy belgisi, yor dastlab oshiqning sevgisini rad etadi, noz qiladi. Sariq rang tayyorgarlik, oshiqning rangi sarg'ayib, fig'oni ko'kka o'rdayvergach, mashuqasining ko'ngli ham unga iliy boshladi. Yashil rang – bu yo'l ochiq degani. G'azalda ham yor turfa ranglardagi kiyimlarda ko'rinish berib, oshiqning ko'nglini ezadi. U yashillikka burkanganda vasl ayyomi boshlandi.

Darvoqe, hazrat Navoiy baytlarida ilk bor namoyon bo'lgan bu ramz – svetofor amerikalik olim Garret Morgan tomonidan 1916-yilga kelibgina kashf qilindi.

Fahriddin ERNAZAROV,  
Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

## БЕКОБОДДА ФУТБОЛ ТАМОМ... 4



## АБАДИЯТГА ДАХЛДОР... ОШШАЗ

Ёхуд жойларни номлашдаги муаммолар  
хусусида айрим мулоҳазалар



...кўп ўтмай атамалар кўмитасидаги шош-ма-шошарликда қилинган "камчиликлар" тузатила бошланди. Мактаблар ва кўчалар-га эҳтиром ила қўйилган номлар яна олиб ташланди.

Савол туғилади: аниқ бир тўхтамга келол-мас эканмиз, ўтганларнинг исм-шарифлари-ни бир кўкка кўтариб, бир ерга уриб, руҳлари-ни безовта қилиш керакми?

3

Иштирокчилар Қибрай туманидаги "Тошкент иссиқлик электр станцияси"да жамланишди. Эрта тонгда махсус лаборатория ускуналаридан фойдаланиб, ҳаводан намуналар олинди.

— Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама-ларга сабаб бўлаётган Тошкент шаҳри ҳавосининг ифлосланиш ҳолати бўйича доимий назорат олиб борилмоқда, — дейди вилоят Экология, атроф-муҳитни

# Нархи-наводан оби-ҳаво муҳим...



муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бўлим бошлиғи Отабек Примов. — Маълумки, вилоятимизнинг Зангиота, Қибрай ва Тошкент туманлари пойтахтга чегарадош. Худудда йирик sanoat корхоналари 1 минг 200 дан зиёд бўлиб, асосий ташламалар Олмалик, Бекобод, Охангарон ва Чирчиқ шаҳарларидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Биз ўрганаётган Зангиота, Қибрай ва Тошкент туманларининг ташламалари 5 фоизни ташкил қилади. Атмосферани бўлгаётган асосий манба қурилишларнинг чангидан пайдо бўлмоқда. Мазкур станцияда кўмир ёқилгисидан фойдаланилади. Бугун олинган лаборатория таҳлилларига кўра, белгиланган меъёрдан ортқ ҳолат аниқланмади.

Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Шерали Зунирбоевнинг таъкидлашича, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида Экология бошқармаси билан ҳамкорликда тунги рейдлар ўтказилмоқда. Урганишларда вилоятда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи 1- ва 2-тоифага мансуб жами 1 минг 221 та ҳўжалик субъекти мавжудлиги, мазкур корхоналар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



йилига ҳавога 685 минг тонна ифлослантирувчи моддалар ташлаши маълум бўлди. Йигирмадан зиёд қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шунингдек, жойларда чиқиндиларни ҳавога тозалаб чиқариш учун филтёрлар ўрнатиш бўйича топшириқлар берилган. Тақиқланган ёқилгилардан фойдаланаётган иссиқхоналарга тегишли чоралар қўрилмоқда.

Журналистларнинг кейинги манзили "Agro Group 2019" МЧЖ бўлди. — Иссиқхонамизда помидор ва атиргул етиштирилади, — дейди иш юритувчи Ойбек Мўминов. — Худудимиз 2,7 гектарни ташкил этади, 4 та қозонхонамиз бор. Бир мавсумда 200 тоннагача кўмир ёқамиз. Жорий йил бошида қозонхоналарга замонавий филтёрлар ўрнатилди. Унинг афзаллиги атроф-муҳитга тўғри ва зарарли моддаларни чиқармайди.

Маълумотларга кўра, Зангиота, Қибрай ва Тошкент туманларида атмосфера ҳавосини

ифлослантирувчи газларнинг белгиланган меъёрдан ортқ кетиш сабаблари, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва чора қўриш мақсадида жорий йилнинг 31 январь ҳолатига ўрганишлар ўтказилган.

Унда Тошкент халқа автомобил йўли бўйлаб 9 та нуқтадан, яъни Эшонгузар аҳоли яшаш пунктидан Тошкент педиатрия тиббиёт институтига қўлган ҳудудда кўча лаборатория орқали ҳавонинг ифлосланиш даражаси бўйича таҳлиллар олинган. Натижага кўра, ифлослантирувчи моддалар миқдори 0,05 мгдан 540 мггача ортқ кетгани аниқланди. Ҳолат юзасидан жойларга чиқиб, иссиқхоналарни иситишда зарарли тўтун чиқарувчи ашёлардан фойдаланмаслик, шунингдек, дудбўронларга давлат стандарти талабларига жавоб берадиган чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатиш бўйича профилактик тадбирлар ўтказилди.

Пресс-тур давомида иштирокчилар Тошкент ва Зангиота туманларидаги йирик sanoat корхоналари ҳамда иссиқхоналар билан танишишди.

**Нигора УРОЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Жалолиддин ЭСОНОВ  
олган суратлар

## ▼ Hamkorlik

Аynи вақтда  
Toshkent viloyati  
delegatsiyasi ish-  
chi tashrif bilan Ma-  
layziyada bo'lib turibdi.  
Vakillarimiz bu yerda ikki  
guruhdan iborat tarkibda  
savdo, investitsiyaviy  
muzokaralar o'tkaz-  
moqda.



## ▼ Сарҳисоб

Нурафшон шаҳрида "2024 йилда Тошкент вилояти бўйича қурилиш ва коммунал соҳада амалга оширилган ишлар ҳамда 2025 йил учун белгиланган режалар" юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда коммунал соҳа масъуллари томонидан атрофлича ахборот берилди.

Қайд этилганидек, 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўришда 2809,8 км. электр узатиш тармоқлари, 951 донa трансформатор пункти мукамал ва 6 минг 930 км. электр узатиш тармоқлари, 2 минг



116 донa трансформатор пункти жорий таъмирланди.

Шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорларига асосан 2024 йилда вилоят бўйича жами 480 км. электр узатиш тармоқлари ҳамда 180 донa трансформатор пункти янгиланди. Барча туман-шаҳарларда туну кун аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида тезкор чиқиш бригадалари 24 соатлик иш режимида ўтказилган. Қолаверса, жорий

Bu haqda viloyat hokimligi Axborot xizmati xabar berdi.

Viloyat hokimining qishloq va suv xo'jaligi masalalari bo'yicha birinchi o'rinbosari Xurshid Qoraboyev boshchilik qilayotgan guruh Malayziyaning qishloq xo'jaligi sohasidagi ilg'or tajribalarini o'rganib, dastlabki muzokaralarni olib bordi.

Shuningdek, viloyat hokimining o'rinbosari Najmiddin Sharipov boshchiligidagi ikkinchi guruh ikki kun davomida mezbон hukumat vakillari bilan uchrashib, turizm, ishlab chiqarish, sanoat sohasida o'zaro hamkorlikni yo'lga qo'yish borasidagi takliflarni muhokama qildi.

# РЕЖАЛАР ИМКОНиятга мос(ми?)



орқали кунлик ўртача 400-500 минг куб. метр ичимлик суви тозалаб берилмоқда. Тармоқда энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилгисиз энергия ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида қўёш панеллари ўрнатилди. 2025 йил 1 январь ҳолатига жами аҳолининг 79,9 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган.

Матбуот анжуманида шу йўналишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича келгуси режалар ҳам айtilди.

Бундан ташқари, тадбирда кўп қаватли тураржойларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари фаолиятига тўхталиб ўтилди. Хусусан, айрим БСҚларнинг фаолиятдан ис-теъмолчилар қониқмаётгани танқид қилинди.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, 2024 йилда жами 672,1 км. узунликдаги ички йўллар таъмирланиши учун 400,2 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 112,4 фоизга бажарилди. Ҳозирда туризм объектларига олиб борувчи ҳамда "Янги Ўзбекистон массивлари"нинг ички қўчаларини қуриш давом этмоқда. Шунингдек, ҳудуддаги тупроқ йўллар ҳашар йўли билан шағаллаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга масъуллардан жавоб олишди.

**Нигора ЭРКИНБОЕВА**  
Жалолиддин ЭСОНОВ  
олган суратлар



"Аёллар дафтари" деган ибора маҳалла тизимида амалий ислохотларни бошлаб, ижтимоий химояга муҳтож ва ишсиз хотин-қизлар учун бамисли нажот воситасидек бўлиб қолди. Зотан, "Аёллар дафтари" орқали хотин-қизларга берилаётган имкониятлар уй бекаларини тадбиркорга, XXI асрнинг ишбилармон аёлларига айлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтган йил декабрь ойида банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда таъкидланганидек, "Уйчи", "Сайхун-обод", "Зарбдор" ва "Ғиждувон" тажрибалари доирасида 2024 йил бошидан буён 3 миллион 300 минг аҳоли доимий даромадга эга бўлган. Жами расман банд бўлганлар илк бор 10 миллион 500 минг нафарга етган.

Улар орасида Паркент туманида яшовчи Фотима Боева ҳам бор.

— Хотин-қизларни ишли қилиш ва уларни доимий даромадли иш билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб

келмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Марғуба Иноятова. — Туманимизда 2024 йилда "Аёллар дафтари"да рўйхатга олинган 3 минг 888 нафар хотин-қизнинг 182 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди. Пировардида нафақат ишсиз аёллар, балки ўнлаб хунарли ёшлар ҳам доимий иш билан таъминланди.

Фотима Боева туманининг "Самаробод" маҳалласида истиқомат

**Янги тадбиркорда энди янги фикр уйғонди. У яна кредит олади. Бу сафар бир оз кўпроқ. Намунали мижозга банк ҳам ишонади, албатта.**



қилади. Бундан бир неча йил аввал идиш-товоқ ва рўзгорнинг майда юмушларидан орта олмаётган оддий уй бекаси эндиликда тадбиркор аёлга айланган.

Хонадонига хатловга келган маҳалла идораси вакилларининг гап-сўзларига ишонмайгина қараган, уларнинг саволларига ийманибгина жавоб берган Фотима опа оила аъзолари билан маслаҳатлашгач, 2022 йилда имтиёзли равишда 29 миллион сўм кредит олди. Авва-

лига маҳаллий фермерлардан майиз харид қилиб, навлар асосида қадоқланган маҳсулот сотувини йўлга қўйди.

— Очиғи, шу кунгача нима учун банкка бормаганим, маҳаллага оғиз солмаганимга пушаймон бўлдим, — дейди Фотима Боева. — Банкларда муҳит буткул ўзгарган, кредит олиш тартиби ҳам осонлашган экан.

Излаганга имкон, истаганга шароит бор. Фотима Боева олган кредитни муддатидан олдин қайтарди. Соф даромад ҳам чакки эмас. Янги тадбиркорда энди янги фикр уйғонди. У яна кредит олади. Бу сафар бир оз

## ▼ Давр — инсон тақдирида

**— Очиғи, шу кунгача нима учун банкка бормаганим, маҳаллага оғиз солмаганимга пушаймон бўлдим.**

кўпроқ. Намунали мижозга банк ҳам ишонади, албатта. Шу тариқа Фотима Боевага 50 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит нақд шаклида берилди.

Бунинг натижа-сида ўндан зиёд аёллар ишли бўлди. Улар ўз уйларида узумни қўритиб, майизни қадоқлаб, ҳар ойда 3-4 миллион сўм даромад топиш имконига эга бўлишди. Тадбиркор аёлнинг ўзи эса йилга 120 миллион сўм соф даромад топяпти.

— Давлатнинг кўмаги билан яшаш шароитим яхшиланди, — дея давом этди Фотима Боева. — Яқинда келин туширдик. Мана, ўғлимни ҳам, келинимни ҳам ўқитяпман. Барчаси давлатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик туфайлидир.

Фотима Боева ўтган йилларда "Аёллар дафтари"да рўйхатда турган, давлатдан кўмак олган бўлса, ҳозирги кунда ижтимоий химояга муҳтож хотин-қизларга ҳоимийлик қилиб келмоқда. Бу яхиликнинг

дунёда ис-сиз кетмаслигига ишора бўлса, не ажаб?

— Мана шу ишларингизга муваффақият тилайман! Ҳаракат қилганингиз учун болаларни ўқитяп-

ман деяпсиз, ҳаётингиз ўзгарганини билаяпсиз, — деди Президентимиз Фотима Боева билан мулоқот чоғида. — Ҳар бир ўзгариш инсоннинг ўзига, меҳнатига боғлиқ. Агар ҳамма сизга ўхшаб меҳнат қилишни ўрганса, жонажон Ватанимизда камбағал ҳам бўлмайди, ишсиз ҳам бўлмайди.

Фотима Боева оддий ўзбекнинг содда аёли. У меҳнати, интилиши туфайли бой бўлди, тадбиркорга айланди. Давр ўзгаряпти, одамларнинг фикрлаши ўзгаряпти. Айниқса, хотин-қизлар ўзларига берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, нақадар серҳаракат ва ишбилармон эканликларини амалда исботламоқдалар.

**Отабек ИСРОИЛОВ**  
Сардор ЗУҲРИДДИНОВ  
олган суратлар

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўтганларнинг номини абадийлаштириш масаласи жуда авжига чиқди. Пискентлик Анвар Эминов деган бир фуқародан газетамизга айнан шу мавзуда келган мактуб ҳамон ёдимда.



“Газетада пискентлик ҳамюртимиз, енгилмас лашкарбоши, моҳир саркарда Муҳаммад Ёқуббек ҳақидаги мақола билан танишиб, ўз фикрларимни билдиришга қарор қилдим.

Қадимий шаҳримизнинг шундай баҳодир фарзандлари борлигидан юрагимиз фахрга тўлган бўлса, шу каби маълумотларни, аниқроғи, ўтмишимизни мукамал билмаслигимиздан афсусландик.

Менинг назаримда қизил империя даври одамларни икки тоифага бўлиб қўйган. Баъзилар эртаю кеч давлат иши билан банд бўлса, кимдир халқнинг кишиси, яъни ҳамиша элнинг орасида эди. Бу жиҳатдан қарай-

## ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

диган бўлсак, отамиз ҳам кейинги гуруҳдан, яъни эртаю кеч улуснинг хизматига бел боғлаган одамлардан бўлган. Муболага деманг-у, Маматохун ошпаз дейишса, у кишини шаҳримизда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма танирди. Падали бузрукворимиз тўй-у маъракаларда хизмат қилиб, халқнинг дуосини олган, шу билан бирга ҳукумат кишиларининг ҳам эътиборини қозongan эдилар.

Гапим асосли бўлиши учун бир мисол. Йўлдош Охунбобоев Пискентга келганида у кишининг шахсий ошпази бўлганларини, Шароф Рашидовдек раҳбар ҳам отамизнинг маҳоратига қойил қолганлигини кексалар яхши эслашади. Пискентда катта канал қазилган кунлари мазали таомлар тайёрлаб, юзлаб хашарчиларнинг туну-кун хизматида бўлганлар. Оддий хўнараларини кичик шаҳарчамизнинг ўзида ўнлаб шоғирдларига ўратганлар.

Буларни бекорга эсламадим. Отамиз вафотидан

кейин биз – фарзандлари у кишининг номларини абадийлаштириш учун Атамалар қўмитасига мурожаат қилмоқчи бўлдигу ўйлаиб қолдик. Бизни ўйлантирган нарсаси шу эдики, падали бузрукворимиз умр бўйи эл хизматида бўлсалар-да, бирор-бир нишон олмаган эканлар. (Аслида инсон учун кўпнинг дуосидан ортиқ мукофот бўлмайди).

Хуллас, демоқчи бўлганим, фақатгина дипломи, партбилети, орден-медаллари бўлганларгагина эътибор қилинадиган даврлар ўтди. Менинг назаримда, юртимизнинг, элимизнинг равнақи учун қайси соҳада бўлмасин, фидойилик билан хизмат қилган ота-боболаримиз номини мангуликка муҳрлайдиган вақт келди. Кўчаларга ёзилган боболаримизнинг муқаддас исм-шарифлари кўзларимизни ғафлат уйқуси, виждонимизни ғўбор босмаслиги учун ҳам керак.

**Сизларга ҳурмат билан Анвар Эминов.**

### САБАБЛАР ВА БАҲОНАЛАР

Маънавий меросимизнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи жой номлари кейинги йилларда кенг жамоатчилик эътиборини тортмоқда. Матбуот саҳифаларида, радио-телевидение орқали топонимлар хусусида кўп фикр-мулоҳазалар билдирилди. Юртимиз мустақил бўлгач, миллий қадриятларимиз тикланди. Натижада фарб доҳийларининг исмлари, келажак ҳақидаги орзу-хавасларни ифодаловчи сўз ва иборалардан иборат номлар бирин-кетин харитадан тушиб қола бошлади.

Жойларга кишилар номларини “мангуликка муҳрлаш” ўтган асрнинг 30-йилларида собиқ тузум пролетариати йўлбошчиларининг номларини абадийлаштириш билан бошланган. Кейинчалик бизда жойларга номлари қўйилган кишиларни “ҳурмати сақланди, ўзига хос қадрлай билдик” деган тушунча ҳукмрон бўла борди. Эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва яна бир қатор давлат ва жамоат арбобларининг исм-шарифлари хўжалик, корхона, туман ва қишлоқларга, истироҳат боғлари, дам олиш уйлари, болалар боғчалари, ҳатто бекатларга ҳам қўйилди. Уни ҳар ким хоҳлаганича суиистеъмол қилди.

Бир мисол. Ўша даврда Тошкент вилоятидаги бир неча хўжаликлар, пойтахтнинг бир тумани, академик театр, метро бекати “Ҳамза” номи билан аталарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамиздаги қирқдан ортиқ хўжаликка Алишер Навоий номи берилган. Бобомизнинг беш ярим асрлик тўйлари муносабати билан ул зотнинг номларини абадийлаштириш янада авж олди. Пойтахтимизнинг марказий қўчаси, Миллий кутубхонамиз, Санъат саройи, истироҳат боғи, Назм хиёбони ва шу ердаги адабиёт музейи, метро бекати, адабиётшунослик институти, опера ва балет театри, ўрта мактаблар ва яна биз билмаган қанча жойлар, қисқаси, бир шаҳарнинг ўзида ўндан ортиқ жой бир кишининг номи билан аталган эди. Бунни ким қандай тушунади, билмадигу, аммо бизнингча ҳар бир масалада меъёр бўлиши лозим эди...

Шунингдек, мустақилликнинг дастлабки йилларида “миллий қадриятларни тиклаш” баҳонасида ўрисча топонимлар ўрнига ўзбекча номи топишнинг энг осон ва қулай йўллари қўлланилди. Партия фаоллари, шаҳар, туман, вилоят ва ҳукуматнинг юқори идораларида фаолият кўрсатган собиқ раҳбарлар, маҳалла фаоллари, муаллимлар, уруш фахрийлари, ишлаб чиқариш илгорлари ва бизга маълум бўлмаган тумонат қаҳрамонларнинг номлари абадийлаштирила бошланди.

Аммо баъзан шошма-шошарлик билан хунук хатоларга йўл қўйилган пайтлар ҳам бўлди. 1983 йили Шароф Рашидов вафотидан сўнг унинг номини абадийлаштириш қўмитаси ташкил этилди. Тошкент тўқимачилик корхонасига, “Ўзбекистон проспекти” ва яна бир қанча жойларга унинг номи берилди. Орадан бир муддат ўтгач, бу қарорлар бекор қилиниб, ҳатто собиқ раҳбарнинг қабри ҳам кўчирилди.

Мактабларга шу илм масканлари учун жон куйдирган устозларнинг, кўчаларга маҳалла-қўй учун таниқли бўлган шахсларнинг номларини қўйиш авж олди. Аммо орадан кўп ўтмай атамалар қўмитасидаги шошма-шошарликда қилинган “камчиликлар” тузатила бошланди. Мактаблар ва кўчаларга эҳтиром ила қўйилган номлар яна олиб ташланди. Савол туғилади: аниқ бир тўхтама қелолмас эканмиз, ўтганларнинг исм-шарифларини бир қўкка кўтариб, бир ерга уриб, руҳларини безовта қилиш керакмики?

Соҳибқирон Амир Темур Аҳмад Ясавий номини жуда ардоқлаган. Аммо

жаҳонгир бобомиз бирорта даҳага ҳам унинг номини қўйдирмаган.

### ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

Ўтган асрнинг 60-йилларида жойларга ном қўйишнинг “янги йўли” кашф қилинган эди. Бахт ва шодлиқни, меҳнатни, байналминалчиликни қуйловчи жимжимадор сўзлар топонимикага қўчирила бошланди. Ҳукумат идоралари-


нинг айримларида инсон ҳаёти учун зарур бўлган энг оддий қўлайликлар ҳам яратилмаган. Қани бу номларда мантик, қани асос?!

### ҲОКИМНИНГ ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗИ...

Яқинда бўлиб ўтган йиғинда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев ҳудуддаги жуда кўплаб маҳаллалар, қишлоқлар, кўча-

# АБАДИЯТГА ДАХЛДОР... ОШШАЗ

Ёхуд жойларни номлашдаги муаммолар хусусида айрим мулоҳазалар



да жой номларини тасдиқлаб ва уларни яна бекор қилиб ўтирувчи масъулларга шу иккинчи усул асқотиб қолди. Қўллаб жойларга “Дўстлик” деб ном қўйилди. Уларнинг айтишича, бошқа республикаларга чегарадош ва турли миллат вакиллари яшайдиган ҳудудларга “Дўстлик” деб ном қўйиш керак экан. Хўп, шундай ҳам бўлсин дейлик, унда ер юзида инсон зоти яшайдиган жойларнинг ҳаммасини “дўстлик” деб номласа бўлар экан-да! Ахир бир хил миллат яшайдиган жойнинг ўзи йўқ-ку!

“Тинчлик”, “Бирлик”, “Мустақиллик”, “Намуна”, “Қадрият”, “Обод” каби топонимлар ҳақида ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин. Таъкидлаш кераки, ерлик халқлар ўзаро аҳил ҳамда қўшни ўлкалардаги қардошлари билан тотув яшашлари учун зўрма-зўраки топилан топонимлар ҳеч қачон муҳим аҳамият касб этмаган. “Қизил тонг”, “Оқ олтин”, “Ғалаба”, “Маданият” каби мавҳум ва мантиқсиз топонимларни юртимизнинг ҳар бир туманида учратиш мумкин.

Қўллаб овул, қишлоқ ва маҳаллаларга “Пахтаобод”, “Деҳқонобод”, “Меҳнатобод”, “Гулистон” дея ном қўйилган. Нима учун? Пахта етиштираётгани ёки деҳқонлари меҳнати ортидан бойиб, турмуши гуллаб-яшнаётгани учунми? Ваҳоланки, ана шундай “обод” жойлар-

лар ва бошқа жойларнинг номлари «аралаш-қуралаш» бўлиб кетганлиги хусусида танқидий мулоҳазалар билдирди. Ҳоким таъкидладики, аксарият жойлар «Намуна», «Бахт», «Навоий», «Амир Темур», «Наврўз» каби шаблон номлар билан аталади. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда «Бобур» номида нечта кўча ёки маҳалла борлигини ҳеч ким билмайди. Бизда номлар бир хил бўлганидан “Гул тоғ” ва “Яндекс хола”лар ҳам додираб қолади. Баъзи кўчаларни “Обод” деб номлашган, лекин бу кўча “умрида” асфальт қўрмаган.

– Яқинда «Ўзбекобод» деган аҳоли пунктига бориб, хурсанд бўлдим, – деди ҳоким. – Негаки, аввал бундай номни учратмаган эканман. Масъуллар жойларга ном беришда миллий қадриятларимизни юксалтиришга хизмат қиладиган мана шундай жиҳатларга ҳам эътибор қаратишлари лозим.

### ПИСТА СОТУВЧИ “МУТАФАККИР”

Оҳангарон туманида бундан икки-уч йил аввал бундан-да ғаройиб ҳолатларга дуч келган эдик. Туманда “Қоратўлки”, “Салимқалта”, “Серқақирлиди”, “Учайрилиш” каби аҳоли пунктлари, “Ахтахонасой”, “Кампирўлди”, “Қуйгансой”, “Қурбақа”, “Сичқонбой”, “Сичқонсой”,

“Самолётбузилган” каби сой ва адирликлар бўлган экан. Географик объектларнинг такрорланиш ҳолатлари бу туманда ҳам бор эди. Масалан, “Бирлик” деган аҳоли пункти Бирлик қишлоғида ҳам, Қорахитой қишлоғида ҳам бор эди. Худди шундай “Қўрғон”, “Оқтепа” ва “Янгиобод” деган аҳоли пунктлари икки марта, “Янгиқишлоқ” деган аҳоли пункти эса уч марта такрорланган эди.

### БЕКОБОДМИ, БЕКРАВОТМИ?

Бир куни тўнгич ўғлим Шаҳзод машинаси билан газ қуйиш шахобчасида навбатда турса, 4-синфда ўқийдиган неварам сўрабди:

– Ада, Дурдона аммам яшайдиган маҳалланинг номи “Метан” экан-а? Бу маҳалла бирорта заправканининг номига қўйилганми?

– Биринчидан, маҳалланинг номи “Метан” эмас, “Митан”, – дебди ўғлим ва ўйлаиб қолибди. – Иккинчидан, маҳалла заправканининг номида эмас. Бу – аниқ. Лекин, тўғриси, нима учун “Митан” лигини билмас эканман...

Ўлка тарихидан сўз кетса, 11 яшар фарзандининг олдида хижолат бўладиганлар кам эмас. Масалан, Пискентнинг “Бекобод”, “Майлиобод”, “Мўминобод”, “Митан”, “Лолаарик”, “Бешовул”, “Оқтепа”, “Мингтепа” каби маҳаллалари, “Соқоларик”, “Бўрижар”, “Маслаҳат тепа” каби жойлари нега шундай номланганлигини шу туманда яшовчиларнинг ҳаммаси ҳам билавермайди. Буларнинг тарихи Пискентнинг қадимиятига бориб тақалади. Улардан “Митан” қабила-уруғ номи, қолганла-



ри сўнгги даврларнинг этнотопоним ва географик жой номларидан ташкил топган.

Олимлар жой номларини таҳлил этишда уларни “Работ” ва “Равот” топонимлари билан боғлайди. “Ра” сўзи аслида форс-тожикча “роҳ”дан олинган бўлиб, “йўл” деган маънода келади. “Вот” ёки “бот” эса сўғдча “ват”дан олинган бўлиб, “қўноқ” деган маънони англатади. “Бекобод” аслида “Бекравот” бўлиши мумкин. Чунки бу маҳаллада жадид бобомиз Ёқуббек Бадавлат яшаган.

### “ОПИТНИЙ”ДАН “АВАНГАРД”ГАЧА

Қўйлиқ отадан Нурафшон, Пискент ва Ёўка тарафга бориш учун бирор транспортга ўтирмақчи бўлсангиз, ҳайдовчилар: “Қаёққа бормоқчисиз? Қорасувгами? Бу ерда такси қолмади!” дейишади-да, сўнг йўл кўрсатишади: “Девятка”га ўтинг, йўловчи машиналар кўпи!

“Девятка” дегани бир бекат наридаги “питак” (кўча жаронига айтганда). Расмий атамаси – “Олтин топан” бека-ти. Ушбу “питак”да Нурафшоннинг таксиларига ўтирсангиз, йўлма-йўл собиқ совет даврида қўйилган жой номларини эшитиб бораверасиз. “Опитний”, “Коллектор”, “Авангард”, “Карл Маркс”, “Ким Пен Ха” каби... Бу бекатларнинг номлари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўзгариб кетган. Лекин йўловчилар адашмаслиги учун ханузгача ҳайдовчилар томонидан ўша эски ном билан эълон қилиб борилади...

### ХАЛҚ – ДОНО...

Бутун борлиқ ўзига хос бир олам. Ҳар бир нарсаси қатори топонимлар ҳам пайдо бўлиш ва яшаш қонуниятига эга. Ана шу ёзилмаган табиий қонуниятнинг муаллифи ҳам доно халқнинг ўзидир.

Элимиз донишманд. Олимларимиз айтганидек, академик халқимиз айтган ҳеч бир нарсаси заррача қусур бўлмаслиги керак.

**Тўхтамурад ҲАСАНБОВЕВ,**  
**“Тошкент ҳақиқати” муҳбири**

Biror davlat yoki jamoat tashkiloti milliylik, xususan, milliy liboslar targ'ibotiga doir biror tashabbusni ilgari sursa, bundan faxrlanish, xayriyoh bo'lish, qo'llab-quvvatlash o'rniga ijtimoiy tarmoqlarni g'iybat maydoniga aylantirib, kinoya-kesatiq qiladigan, pisqon uchiradigan yoshlarning ko'payib qolgani afsuslanarli.

Ian bir qatorda albatta milliy sarilarni ham ko'ramiz. Bu mamlakatda sari urfdan qolmaydi va hind ayollari uni egnidan qo'yamaydi. Ularning liboslarida innovasion yondashuvni ham deyarli sezmaymiz. Shunga qaramay, necha asrlardan buyon o'zgarmagan milliy liboslarini kiyib yurishlariga sabab ularning milliy qadriyatlar, liboslari, manfaatlariga bo'lgan sadoqati-

juda xohlasam ham, ko'p kiyib yurolmayman. Borayotgan joyimga qarab kiyaman. Yana bizning popop kamzullarimiz bor, xalq tilida «Surxoncha» deyiladi. Bu kostyumlarning boshlanish narxi bozorda eng kami 500-600 ming so'm turadi. Bu qo'l mehnati albatta, tayyorlash oson emas. Ammo qimmat. Undan ko'ra, 200 ming so'mga mato olib,

Deylik, bugun liboslarning ahamiyati odamlarni ko'rkam va chiroyli ko'rinishini ta'minlashdangina iborat bo'lib qolayotgandek taassurot uyg'otadi. Mashhur rus maqoli bilan aytganda, «Kiyimga qarab kutib olinadigan» zamonda yashaymiz. Afsuski, bugungi davrda ust-bosh, kiyinishga qarab muomala qiladigan, xarakter-xususiyatlarni

liboslarni taqdim qilishdan to'xtamayapti. Bas, shunday ekan, yoshlarga ham qulay, ham arzon va urfdagi liboslarni kiyish har jihatdan ma'qul kelishi tabiiy hol.

Manbalardan ko'rinadiki, milliy libos deganda faqatgina adras va yoki at-lasni, do'ppilamigina tushunish xato, matosidan qat'i nazar, tikilish jihatidan ham o'zbek milliy libosi deb atalishga haqli liboslar juda ko'p. Hatto milliy bosh kiyimimiz do'ppining yuzdan ortiq turlari mavjud.

– Modaning ortidan quvmayman, ammo ish joyimga yaxtak kiyib, chorsi bog'lab va yoki do'ppi, to'n kiyib kelish g'alati tuyuladi, – deydi Qibray tumanidagi Bobur nomli mahalla fuqarolar yig'ini hokim yordamchisi Nurmuhammad Eshqulov. – Shu bois dizaynerlar o'zida milliylikni aks ettira olgan zamonaviy xizmatchi kadrlar imijini yaratish ustida ishlashlari kerak, nazarimda. Agar shunday universal milliy liboslar bo'lsa, jon deb kiyish mumkin.

Ochig'ini aytganda, yurtimizda faoliyat olib borayotgan libos ustalarining faoliyati, ularning milliy kiyimlarimiz targ'ibotiga yondashuvlari qoniqarli emas. Ular milliy liboslarimizni zamonaviylik bilan uyg'unlashtirib bera olishmayapti. Aynan tikuvchilik va libos yaratish sohasida ham yangi islohotlarga ehtiyoj borligini yashirmasligimiz kerak.

E'tiborlisi, bugun milliy liboslarimiz targ'ibotida ancha faollik sezilmoqda. Umid qilamizki, bu sa'y-harakatlar o'zining natijasini ko'rsatadi, yoshlarimiz milliylikni ustun qo'yadigan, yot madaniyatlarga ko'r-ko'rona ergashish shunchaki mazmun va mantiqsiz, havoyi bir da'vo ekanini anglaydilar. O'z navbatida, bozorlarimizda bugungi yoshlar, zamondoshlarimizning nozik did va talablariga javob bera oladigan, o'zida milliylikni aks ettirgan zamonaviy liboslar ko'payib boradi.

**Mehridin IBRAGIMOV,**  
“Toshkent haqiqati” muxbiri

## Yaxshi tashabbuslar KINOYA emas,

### HIMOYA qilinishi kerak

Yaqinda Turkmaniston elchixonasi bilan hamkorlikda o'tkazilgan katta bir tadbirda ishtirok etdik. Shu tadbirga bir guruh 18-20 yoshlardagi turkman qizlar ham kelishgan ekan. Ularning milliy do'ppi va nimchalari o'zlariga shunday yarashganki, beixtiyor rahmatli shoirimiz Muhammad Yusufning “Turkman qizga” she'ri yodga tushdi:

*Bir xil libos kiyimish, ko'rdim  
nechalari,  
Yashnab ketar yursa Toshkent  
ko'chalari...*

Yoki hindistonliklarning o'z milliy liboslariga sadoqatini olaylik. Deyarli barcha filmlarida zamonaviy liboslar bi-

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)



dir. Shuningdek, ularning milliy liboslari Hindistonning iqlim sharoitiga moslashganligi bilan ahamiyatlidir.

– Yashirishning hojati yo'q, milliy liboslarga hammaning munosabati turlicha, – deydi ismini oshkor etishni xohlamagan nuraftonlik talaba qiz. – Shunday ekan, atrofda qilarning munosabatiga qarab kiyinamiz. Do'ppi kiygan paytim o'zini zamonaviy deb hisoblagan ayrim qizlarning kinoya bilan qaraganlari va gapirganlarining guvohi bo'lganman. Shu sabab do'ppi kiyishni

kostyum tiktirib kiyish qulayroq. Agar milliy matolardan ishlangan kamzullar arzon, cho'ntakbop bo'lganida, albatta kiygan bo'lardim.

Tarixiy manbalarda qayd etilishicha, miloddan avvalgi V ming yilliklargaacha bo'lgan davrda kiyimlar uchun hayvonlar terisi, daraxt po'stlog'i, o'simliklar tolasidan foydalanilgan ekan. U davrlarda kiyimlarning asosiy vazifasi tanani sovuq yoki issiqdan himoya qilish bo'lgan. Lekin bugun libosdan muddao faqat bu emas-da...

baholaydigan, ijtimoiy kelib chiqishimizni taxmin qiladigan bo'ldik.

Bunga sabab shiddat bilan rivojlanayotgan zamon talablarini yoki odamlarning kiyimga bo'lgan munosabati tez o'zgarayotganini? Balki dunyo dizaynerlarining har soatda 2 tadan yangi uslub o'ylab topayotgani sababdir?

Hatto shunday ayollarimiz borki, bir tadbirga kiygan libosini ikkinchisiga kiymaydi. Uslublar, usullar tez o'zgarimoqda. Bir-biri bilan raqobatlashayotgan brendlar kim o'zarga chiroyli, qulay

#### Вилоят спорти

**Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг якунланган мавсуми Тошкент вилояти жамоалари, айниқса, Бекободнинг “Металлург” жамоаси учун тарих саҳифаларига қора ҳарфлар билан битилди. 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон Олий лигасида доимий равишда иштирок этиб келаётган клубнинг Элитадаги “саргузашти” 2024 йил сўнгига келиб якунланди.**

#### 27 ЙИЛЛИК ТАРИХНИНГ ИНТИҲОСИ

“Металлург” клуби 1997 йилда Ўзбекистон биринчи лигаси (ҳозирги Про-лига)да иккинчи ўринни эгаллаб, Олий лига йўлланмасини

натижа” қайд этди. Ўшанда “Тошкент ҳақиқати” газетаси (2024 йил 51-сон) яна бир бор Бекобод клуби ҳақида таҳлилий мақола чоп этди. Унда қийин бўлса-да, Элитада жон сақлаб қолиш имконияти мавжудли-

Ачинарлиси, ҳомийидан ажралган жамоа таркибдаги деярли барча футболчилар билан тузилган шартномаларни бекор қилди. Улар орасида клуб академиясидан энди-энди кўзга кўринаётган ёш футболчилар ҳам бор эди. Жамоа ушбу иқтидорларни яна 1-2 мавсум таркибга сақлаб қолган ҳолда тўғри тарбиялаб бориш орқали мўмай даромадга эришса бўларди. Лекин, инқироз кўчасига кириб қолган клуб уларни ҳам текинга қўйиб юборишдан бошқа иложи қолмади...

Энди раҳбарият олдида жамоа пойдеворини қайта қуришдек машаққатли вазифа турибди. Бунинг учун қанча вақт кетиши эса ҳеч кимга маълум эмас.



лаштириш бўйича кўрсатма берган эди. Клуб академияси секин-асталик билан натижа кўрсатаётганди. Жумладан, клубнинг U-19 жамоаси 2023

Ла Торре кўпчилиликни ташвишга солаётган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Унда таъкидланишича, бугунги кунда “Металлург” футбол клуби қошида қуриб, фойдаланишга топширилган “El Golazo” футбол академиясида етти ёш тоифасида “Реал Мадрид” тажрибаси асосида футбол сир-асорлари ўргатилмоқда. Академиянинг илк қалдирғочлари эса аллақачон катталар ўртасидаги мусобақаларда тўп суриш амалиётларига ҳам эга бўлишган.

Шу маънода “Металлург” профессионал футбол клуби янги мавсумдан асосий эътиборни академия тарбияланувчиларига қаратиш, улардан мамлакат биринчилигида қатнашувчи жамоани шакллантиришни режалаштирган.

Бундан кўринадики, эндиликда бекободликлар бор эътиборини фақат академияга қаратади. Қайси-дир маънода клуб тақдири Испаниянинг “Барселона” жамоасиникига ўхшаб кетмоқда. 2021 йилда Каталония клуби инқироз “кўчаси”га кириб қолган, алал-оқибатда Лионель Мессидек қаҳрамонидан воз кечишга мажбур бўлганди. Ўшанда клубнинг футболчи харид қилиш учун сарф қақаси ҳам қолмаганди. Раҳбарият ноилж клуб академиясига таянишга қарор қилди. Амалда бу ўзини оқладди. Гави, Педри, Плау Кубарси, Ансу Фати, Ламин Ямал, Фермин Лопес, Эрик Гарсия каби номлар ана шу “қора” кунларда катта саҳнага чиққан тарбияланувчилар саналишди. Бугун улар “Барселона”нинг асосий қолдузлари, устунлари. Балки, Бекобод клуби ҳам инқироз ортидан ана шундай номларни кашф этар. Ҳар ҳолда академия тарбияланувчилари турли ёш тоифаси бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионатларида юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Умид қиламизки, “Металлург” қайта қурилаётган пойдеворини мустаҳкам қилиб, келгуси йилларда Ўзбекистоннинг энг рақобатбардор, кучли жамоасига айланади ҳамда Суперлигага қайтиб, Бекободга яна футбол ҳавосини олиб қиради.

**Суҳробжон САДИРОВ,**  
“Тошкент ҳақиқати”  
шарҳловчиси

## БЕКОБОДДА ФУТБОЛ ТАМОМ...

қўлга киритган ҳолда вилоятнинг энг чекка нуқталаридан бири бўлган саноатчилар шаҳри – Бекободга ҳақиқий футбол нафасини олиб кирган эди.

Аслида жамоа Титаник кемасига ўхшаб тўсатдан “чўлмади”. Бекободликлар 2020 йилдан кейин секин-асталик билан жарлик сари қадам босаверди. Клуб 2021, 2022, 2023 йилги мавсумларда 10-поғонадан юқорига кўтарилди олмаган. Ушбу мавсумларнинг ҳар бирида атиги 8 маротаба (ҳар мавсумда 26 та баҳс) галаба қозонган. “Металлург” ана шу 3 йил давомида сўнгги турлардагина қуйи лигага тушиб кетишдан амал-тақал қутулиб келар, бу эса кўпчилиликни хавотирга солар эди.

“Тошкент ҳақиқати” газетасининг 2024 йилдаги 5-сонда эълон қилинган “Вилоят футбол: ўртаименалик қачонгача?” сарлавҳали мақолада вилоятнинг икки клуби – ОКМК ҳамда “Металлург”нинг янги мавсумга қандай тайёргарлик кўраётгани ҳақида сўз борган. Унда бекободликларнинг хорж йўлларидан кучсиз рақиблар танлагани, таркибга жалб қилинганлар жамоани кучайтира олмаслиги қайд этилган эди. Мақолада таъкидланган таҳминлар амалда содир бўлди: “Металлург” 2024 йилги мавсумнинг биринчи даврасида бирорта ҳам галабага эриша олмай, “тарихий

ги, бунинг учун зудлик билан махсус тизим ишлаб чиқиш кераклиги таъкидланган эди. Бирок, “эски ҳаммом, эски тос”лигича қолди. Клуб иккинчи даврада бор-йўғи 3 та галаба қозониб, якунда 14 жамоа орасида 13-ўринга “михланди”.

Шунда ҳам уларда “омон” қолиш учун имконият бор эди. Бунинг учун



#### АКАДЕМИЯ ТАҚДИРИ НИМА БУЛАДИ?

“Металлург”нинг инқирозидан сўнг кўпчиликда бир савол туғилди: Академия тақдири нима бўлади?

2021 йилда “Металлург” “Насад”, “Бунёдор”, “Пахтакор” сингари академиясига, спорт базаси, инфратузилмасига асос солганди. 210 нафарга мўлжалланган ётоқхона, шуғулланувчилар учун барча шaroитлар яратилди. 2022 йилнинг 12 августда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрига таширфи давомда мазкур академия билан танишиб, мутасаддиларга бу футбол мактаби тажрибасини омма-



#### TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentkaya pravda” gazetalarini tahrir hay'ati:

**Zoyir MIRZAYEV**  
(tahrir hay'ati raisi)  
**Abdusamad NOSIROV**  
**Ummat MIRZAQULOV**  
**Hotamjon SAYDAHMEDOV**  
**G'afurjon MUHAMEDOV**  
**Sayyora FAYZIYEVA**  
**Tohir ARIPOV**  
**Mahmud TOIR**  
**Uskenboy ATEMOV**  
**Abdulla XURSANOV**  
**Kumush EGAMBERDIYEVA**  
**Behzod QOBULOV**  
**Olimjon BEGALIYEV**  
**Zarifa ERALIYEVA**  
**Sergey MUTIN**

Bosh muharrir:  
**G'ayrat SHERALIYEV**

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:  
**Alloma AZIZOVA**  
Navbatchi:  
**To'xtamurod HASANBOYEV**

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-235.

3 931 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan  
ro'yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi  
ofisimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko'chasi, 2.  
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati»  
tahririyati kompyuter markazida  
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev  
tomonidan sahifalandi.

Haftaning  
chorshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida bosildi.  
**Korxona manzili:**  
**Toshkent shahri,**  
**Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**